

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2022 йил сентябрь ойининг 22 куни жиноят ишлари бўйича Бандихон туман суди ўз биносида, Термиз шаҳри 9-сон тергов ҳибсхонаси билан видеоалоқа режимида, очиқ суд мажлиси ўтказиб раислик қилувчи М.Абдимўминов, судья ёрдамчиси А.Джуракуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бандихон туман прокурори катта ёрдамчиси Ш.Хайдаров, судланувчи М.Сафаров ва унинг ҳимоячиси адвокат И.Розиқов, жабрланувчилар Т.Рустамов ва Ш.Фахриевларнинг иштирокида, судланувчи Сафаров Миршод Муродовичга нисбатан 1-1915-2201/61-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Сафаров Миршод Муродович 1988 йил 02 август куни Бухоро вилояти, Жондор туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ёлланма ишчи, муқаддам судланмаган, оилали, Бухоро вилояти Жондор ШФЙ М.Торобий кўчаси рақамсиз уйда рўйхатда туриб, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани 24-мавзе 15-уй 3-хонадонда вақтинчалик рўйхатда яшаб келади, унга нисбатан «Қамоққа олиш» эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбланган,

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, 1988 йил 02 август куни Бухоро вилояти, Жондор туманида туғилган фуқаро Сафаров Миршод Муродович ҳозирги кунда Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 24-мавзе 15-уй 3-хонадонда вақтинчалик рўйхатда туриб яшаб келиб, фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан жуда кўп миқдордаги ўзгаларнинг мулкини қўлга киритиш жиноятини қасддан содир этган.

Жумладан, "Zikirillo Yunusovich" оилавий корхонаси раҳбарлари бўлган Рахматов Зикрулло Юнусович ва унинг турмуш ўртоғи Саматова Наргиза Абдиваитовналар 20.05.2019 йилда АТБ "Халқбанк" Қизириқ



филиалидан йиллик 30 фоиз тўлаш шарти билан 36 ой муддатга 857.000.000 сўмлик "бир дона автосамосвал MAN TGS 40.400 6x4BB русумли юк автомашинаси сотиб олиш мақсадида" кредит маблағи, 25.06.2019 йилда АТБ "Халқбанк" Қизириқ филиалидан 2 дона МАЗ-650108-8230-000 русумли юк автомашиналарини сотиб олиш учун 1 303.750.000 сўм кредит маблағи олишга эришиб, 06.10.2020 йилда "Zikirillo Yunusovich" оилавий корхонаси таъсисчилари Саматова Наргиза Абдиваитовна ва Рахматов Зикрулло Юнусовичлар ўзларининг корхонадаги 100 фоиз улушларини Сафаров Миршод Муродовичнинг фойдасига воз кечганлиги тўғрисида йиғилиш баённомаси расмийлаштириб, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани давлат хизматлари маркази орқали М.Сафаровга "Zikirillo Yunusovich" оилавий корхонасини МЧЖ шаклида ўтказиб беришган.

Сафаров Миршод Муродович ушбу МЧЖ балансида бўлган қиймати 857.000.000 сўмлик 1 дона MAN TGS 40.400 6x4BB русумли юк автомашина гаровга қўйилган бўлса-да, ушбу автомашинани сотиш ҳуқуқи йўқлигини била туриб, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани "Ширинобод" маҳалласида яшовчи фуқаро Фахриев Шахобиддин Қутфиевичнинг ишончига кириб, уни алдаб, банкдаги кредит қарздорлиги йўқ эканлигини айтиб, 2020 йилнинг ноябрь ойида ундан 15.500 АҚШ доллари (30.11.2020 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки маълумотиغا кўра 1 АҚШ доллари 10414.86 сўмни ташкил этса, 15.500 АҚШ доллари $15.500 \times 10414.86 = 161.430.330$ сўмни ташкил этади) миқдоридаги пулларни олиб ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги аниқланган.

Сафаров Миршод Муродович ўзининг юқорида кўрсатилган жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни қасдан содир этган.

Шунингдек, Сафаров Миршод Муродович такроран жиноят содир этиш йўлига кириб, ушбу МЧЖ балансида бўлган 2 дона МАЗ русумли юк автомашинаси гаровга қўйилганлигини била туриб, ушбу автомашинани сотиш ҳуқуқи бўлмаса-да 2021 йилнинг февраль ойида Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани "Меракас" маҳалласида яшовчи фуқаро Рустамов Толибжон Яздановичнинг ишончига кириб, ушбу юк автомашиналарининг банкда фақатгина 400.000.000 сўм кредит қарздорлиги қолган деб ёлғон гапириб, уни алдаб келгусида 25.000 АҚШ доллари бериб, қолган кредит қарздорлигини тўлаш шарти билан сотишини айтиб, олдиндан 15.000 АҚШ доллари (28.02.2021 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки маълумотиغا кўра 1 АҚШ доллари 10538.53 сўмни ташкил этса, 15.000 АҚШ доллари $15.000 \times 10538.53 = 158.077.950$ сўмни ташкил этади) миқдоридаги пулларни олиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги аниқланган.



Судда судланувчи М.М.Сафаров Бандихон туманида яшовчи Рахматов Зикрилло Юнусович ҳамда Саматова Наргиза Абдиваитовнани илгаридан танимаслиги, улар билан 2020 йилда Воит исмли йигит орқали танишганлиги, Рахматов Зикрилло Юнусович ҳамда Саматова Наргиза Абдиваитовнадан “Зикрилло Юнусович” оилавий корхонасининг келгусидаги кредитларини тўлаш шарти билан шартнома асосида ўзининг ихтиёрига олганлиги, уларга корхонани номига олиш учун 500 АҚШ доллари берганлиги, сабаби унинг ўзи ушбу пулларни сўраганлиги, Бандихон туманида яшовчи Рахматов Зикрилло Юнусович ҳамда Саматова Наргиза Абдиваитовнанинг номидаги “Зикрилло Юнусович” оилавий корхонасини Давлат хизматлари маркази орқали ўзининг номига МЧЖ шаклида ўтқазиб олганлиги, сабаби З.Рахматовнинг ўзидан ушбу фикр чиққанлиги, “Зикрилло Юнусович” оилавий корхонасига қарашли бўлган АТ “Халқ банки” Қизириқ филиали томонидан ажратилган кредит эвазига олинган 1 дона МАН русумли ва 2 дона МАЗ русумли юк автомашиналарини сотиб олмаганлиги, ушбу корхонани барча мулклари билан биргаликда Зикрулла Юнусович билан ўзаро келишган холда кредитларини ўзи тўлаши эвазига номига корхонани расмийлаштириб олганлиги, юк автомашиналари эса корхонанинг номидалиги, ушбу корхонанинг номида бўлган бошқа кредит бўйича 4.700.000 сўмдан ортиқроқ солиқ қарздорлигини ҳам тўлаганлиги, юк автомашиналар АТ “Халқ банки” Қизириқ филиалидан ажратилган кредит ҳисобига олинганлигини билганлиги, аммо банк олдида қанча қарздорлиги борлигини билмаслиги, “Ман” русумли юк автомашинасини Самарқанд вилоятида яшовчи Шахобиддин акага кредит қарздорлигини тўлаш ва ўзига 15.500 АҚШ доллари бериш шарти билан сотганлиги, Шахобиддин акадан 15.500 АҚШ долларини сўм кўринишида ва АҚШ доллари кўринишида аралаштириб тўлиқ олганлиги, Иккита “МАЗ” русумли юк автомашиналарини Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида яшовчи Толиб исмли акага ҳам кредит қарздорлигини тўлаш ва ўзи учун 100.000.000 сўм атрофида пул олганлиги, шу шарт билан унга ушбу юк автомашиналарини сотганлиги, улардан олган барча пулларини автомашина харажатларига ишлатганлиги, қисман ўзининг эҳтиёжига ишлатганлиги, ҳозирги вақтда қилмишидан пушаймонлиги ва жабрланувчиларга зарарни тўлиқ қоплаб берганлиги, ўзига енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судда жабрланувчи Ш.К.Фахриев судланувчи М.Сафаровни 2020 йилда ОЛХ га автомашиналарни сотиши бўйича эълон қўйганидан буён танишлиги, Сафаров Миршоддан МАН русумли юк автомашинасини оғзаки келишув асосида 15.000 АҚШ доллари нақд берганлиги, қолган пулларни эса 1.180.000.000 сўмга шартнома тузиб ойма-ой унинг фермасини автомашинани автокредити учун 33.000.000 сўмдан пул бериб кетиши лозимлигини айтиб олганлиги, 5-6 ой давомида 307.000.000 сўм автокредитини ёпиб берганлиги, ушбу юк



автомашинани кредитга чиққанлигини билганлиги, аммо тақиқда турганлигини билмаслиги, М.Сафаров унинг кредитларини узганидан сўнг автомашина номига ўтказишни ваъда қилганлиги, М.Сафаров ёлғондан кредитни камайтириб айтганлиги, МАН русумли автомашинани сотиб олганлигидан АТБ “Халқ банки” Қизириқ филиали ходимларининг хабари йўқлиги, ҳозирги вақтда судланувчи зарарни тўлиқ қоплаб берганлиги ва унга нисбатан даъвосининг йўқлигини айтиб кўрсатув берди.

Судда жабрланувчи Т.Я.Рустамов, судланувчи Сафаров Миршодни 2021 йилнинг февраль ойидан буён танишлиги, Сафаров Миршоддан МАЗ русумли 2 та юк автомашинасини оғзаки келишув асосида 15.000 АҚШ доллари нақд бериб сотиб олганлиги, қолган пулларни эса 400.000.000 сўмни унинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтқазиб беришини ўзаро келишганлиги, юк автомашиналарни жами банкда 400.000.000 сўм кредит қарздорлик қолган деб айтганлиги, аслида эса 1.800.000.000 сўмдан ортиқроқ кредит қарздорлиги бор эканлигини кейин билганлиги, ушбу юк автомашинани кредитга чиққанлигини билганлиги, аммо тақиқда турганлигини билмаслиги, М.Сафаров унинг кредитларини узганидан сўнг автомашина номига ўтказишни ваъда қилганлиги, ҳозирги вақтда ўзига етказилган зарарни судланувчи М.Сафаров қоплаб берганлиги ва унга нисбатан даъвосининг йўқлигини айтиб кўрсатув берди.

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Ф.Хўжамурадов АТБ ҳалқбанк Қизириқ тумани филиалида бош мутахассис бўлиб ишлашлиги, 1919 йилда З.Рахматовнинг фирмасига автомашиналар учун кредит пули чиққанлиги, кредит пуллари ҳозирги вақтгача сўндирилмаганлиги, олинган 3 та юк автомашиналари банк ҳисобига гаровга олинганлиги, ушбу автомашиналарни сотиш мумкин эмаслиги, кредитларнинг қанча пули қолганлиги бўйича тўланмаган қисми бўйича тегишли тартибда судга даъво аризаси киритилганлиги ва бу бўйича суд қарори қабул қилинганлигини айтиб кўрсатув берди.

Суд судланувчи М.М.Сафаровнинг жиноят содир этганликдаги айби, ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатуви, дастлабки тушунтириш хатлар, жабрланувчиларнинг тергов ва суддаги кўрсатувлари, шартномалар нусхаси, қайтарилган автомашиналар ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.М.Сафаровнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди ва 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддасида, Ушбу кодекс махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка



тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилиши, агар шахснинг содир этилган қилмишида ушбу Кодекс Махсус қисми айна бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилиши кўрсатилганлигини инобатга олиб, судланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан бир марта жазо тайинланишни лозим топади.

Суд судланувчи М.М.Сафаровнинг айбига тўлиқ иқrorлиги ва қилган ишидан пушаймонлигини, етказилган зарарни қопланганлигини, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолашни, жиноятни ғаразли ва паст ниятларда содир этилганлигини Жиноят кодексининг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд судланувчи М.М.Сафаровга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги белгиланганлигини, зарарнинг қопланганлигини эътиборга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб зарар қопланганлиги сабабли модда санкциясида назарда тутилган энг кам жарима жазосидан ҳам камроқ жарима жазосини тайинлашни ва ЖК 62-моддаси тартибида ушланган кунини тайинланган жарима жазосидан чегириб жазо тайинлашни;

жабрланувчиларга зарарнинг қоплаб берилганлигини эътироф этишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468-моддаларни қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Сафаров Миршод Муродович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Сафаров Миршод Муродовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 80 баравари миқдориди, яъни 19.600.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Сафаров Миршод Муродовичнинг ушланиб қамоқда ўтирган кунлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида



тайинланган жарима жазосидан чегирилиб ҳисобланиб, тўлаш учун 7.472.500 сўм жарима жазоси қолдирилсин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Сафаров Миршод Муродовичга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залидан озод қилинсин.

Иш олинган ва Бандихон туман ИИБ далилий ашёларни сақлаш хонасида сақланаётган 584.000 сўм пул маблағлари Сафаров Миршод Муродовичга қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

М.Абдимўминов.

